ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00440

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ МАФКУРАСИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЛҚИНИ

Онахон Маннoповна Жабборова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Дилором Мукимовна Ташпулатова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистоннинг янги мафкурасининг ғоялари педагогик талқин қилиб берилган ва талабаларни ғоявий тарбиялашга оид тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: педагогика, таълим, тарбия, мафкура, ғоя, талаба, кўникма, фазилат, малака.

PEDAGOGICAL INTERPRETATION OF THE NEW IDEOLOGY OF UZBEKISTAN

Onakhon Mannopovna Jabborova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Dilorom Mukimovna Tashpulatova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article provides a pedagogical interpretation of the ideas of the new ideology of Uzbekistan and provides recommendations for the ideological education of students.

Keywords: pedagogy, education, upbringing, ideology, idea, student, skill, virtue, qualification.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 19 феврал куни бўлиб ўтган видеоселектр мажлисида Ўзбекистоннинг янги мафкураси ғояларини эълон қилди. *“Биз,-деди Давлатимиз раҳбари,- яратаётган янги*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00440

Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик ва гуманизм ғояси бўлади”. Бу ўринда ана шу ғояларнинг педагогик талқинига эътиборингизни тортамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мафкуравий тарбия деганда энг аввало ёшларни ғоявий тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбига энг ёруғ ғояларни сингдириш назарда тутилади. Шу сабабли янгидан тақдим этилаётган мафкуранинг ғоялари мазмунини англаб олиш эхтиёжи мавжуд.

1. Эзгулик. Бу ғоя халқимиз ҳаётида тарихий тажрибадан ўтган бўлиб, унинг мазмунини яхши фазилатларни ўзлаштириш ва ёмонлик иллатларидан ҳимоя қилиш ташкил этади. Энг қадимий манбаамиз “Авесто”да Эзгулик ғоясининг асоси сифатида эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амал ташкил қилиши таҳлил қилинган. Шу сабабли янги мафкурамизнинг Эзгулик ғояси ана шу тамойилларга асосланади.

2. Одимийлик. Мазкур ғоя ҳам асрлар давомида халқимизнинг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида тажрибалардан ўтган бўлиб, унинг мазмунини ўзгаларга яхшилик қилиш ва ижтимоий ҳаётда ҳаётсевар бўлиш ташкил қилади. Бу ғоя ўрта асрларда яшаб ўтган мутафаккирларимиз томонидан инсон умрининг мазмуни сифатида талқин қилинган. Мисол учун, барчага маълум бўлган Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асаридан олинган қуйидаги байтини эсланг:

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Эътибор беринг, Алишер Навоий одамийликни энг аввало халқпарварлик сифатида талқин қилади.

3. Гуманизм. Бу ғоя лотинча бўлиб, инсонпарварлик мазмунини ифодалайди. Унга кўра, ҳар бир шахс инсонни қадрлаши ва умуминсоний қоидаларга итоат этиши керак. Бу ғоя Ғарб файласуф-педагоги Жан Жак Руссонинг “Эмел ёки тарбия тўғрисида” асарида яхши таҳлил қилинган бўлиб, унда ҳар бир шахснинг фикру онгида инсонпарварлик муҳим ўрин тутиши ва бу ғояни сингдиришнинг усуллари таҳлил қилиб берилган.

Мазкур уч муҳим ғоя асосида таълим тизимида янги мафкуравий тарбия амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Бундай тарбиянинг турлари тўғрисида Давлатимиз раҳбари қуйидаги фикрларни билдирди: *“Биз мафкура деганда аввало фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00440

тушунамиз”. Шу жиҳатдан янги мафкуравий тарбия воситасида қуйидаги тарбия турлари амалга оширилади:

1. *Фикр тарбияси*. Бу тарбияда таълим тизими воситасида ёшларда мустақил фикрлаш, эркин тафаккурга эга бўлиш ва мулоҳаза юритиш кўникмалари шакллантирилади. Фикр тарбияси тўғрисида Абу Али ибн Синонинг “Донишнома”, Абдурауф Фитратнинг “Нажот йўли” ва Абдулла Авлонийнинг “Аҳлоқ” асарларида ўзига хос таҳлиллар ва услубий тавсиялар тақдим этилган.

2. *Миллий қадриятлар тарбияси*. Мазкур тарбия воситасида ёшларда халқимизга хос бўлган миллий ўзлик, ўзига хослик ва идеал мақсад муддаоларга интилиш кўникмаси шакллантирилади. Миллий қадриятлар асосида тарбиялаш масалалари Ғарб мутафаккири Э. Шопингаурнинг “Эхтиёж” асарида ўзига хос талқинлар амалга оширилган.

3. *Умуминсоний қадриятлар тарбияси.* Тарбиянинг ушбу тури воситасида ёшларда умуминсоний ғоялар, одатлар ва қоидалар бўйича кўникмалар шакллантирилади. Умуминсоний қадрият асосида тарбиялаш масалалари Аристотелнинг “Этика”, инглиз педагогика Жон Диюзнинг “Метафизика” асарларида муҳим назарий мулоҳазалар юритилган ва умуминсоний қадриятларнинг таркиблари кўрсатиб ўтилган.

Эътибор берилса, Ўзбекистонда амалга ошириладиган янги мафкуравий тарбиянинг ана шу уч муҳим турига асосланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда тақдим этилаётган янги мафкура ва унинг тарбиявий асосларига сабаб сифатида экспертларнинг “жамиятда фақат ўзини ўйлаш, оилага енгил қараш ва истеъмолчилик кайфиятларининг яшовчан бўлиб қолаётганлиги” тўғрисидаги ҳулоса сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан олий педагогик таълим тизимида янги мафкуравий тарбияни ташкил этиш долзарб бўлиб турибди. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- янги мафкуранинг эзгулик, одамийлик ва гуманизм ғояларини педагогик тахлил қилиш, уларни бўлажак ўқитувчилар онгига сингдириш методологиясини ишлаб чиқиш;

- янги мафкуравий тарбиянинг фикр тарбияси, миллий қадриятлар тарбияси ва умуминсоний қадриятлар тарбияси асосларини ишлаб чиқиш, уларни бўлажак ўқитувчилар қалбига сингдириш методларини яратиш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00440

- янги мафкуранинг ғоялари ва тарбия турлари бўйича педагогик тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларни амалиётда қўллаш механизмларини шакллантириш.

Ҳозирги замон олий педагогик таълим тизимида мазкур янги мафкуравий тарбия жараёнини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Бундай имкониятларнинг асосларини қуйидагилар ташкил этади:

- назарий машғулотларда янги мафкурамизнинг ғояларини шарҳлаб бериш ва тушунтириш;

- амалий машғулотлар жараёнида мафкуравий тарбиянинг фикр тарбияси, миллий қадриятлар тарбияси ва умуминсоний қадриятлар тарбияси асосларини талабаларга тушунтириш, улар бўйича тренинглар ўтказиш;

- талабаларнинг янги мафкура ғоялари ва тарбия асослари бўйича билимларини ҳамда кўникмаларини аниқлаб бориш;

- бу борада ташаббускор талабаларнинг ишланмаларини рағбатлантириш.

Олий педагогик таълим жараёнида янги мафкуранинг асослари бўйича педагогик тарғибот олиб бориш ҳам тақозо этилади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

- эзгулик, одамийлик ва гуманизм ғоялари тўғрисидаги педагогик манбаларни ўқишга тавсия қилиш;

- фикр тарбияси, миллий қадриятлар тарбияси ва умуминсоний қадриятлар тарбияси тўғрисидаги адабиётлар билан танишишга даъват қилиш;

- янги мафкуранинг асослари бўйича танловлар, билимдонлик синовлари ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

- янги мафкура асосларини тарғибот қилувчи ёшлар ташаббускор гуруҳларини ташкил этиш.

Мафкуравий тарбия ғоявий тарбиянинг асоси сифатида педагогик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг онгида соғлом ғоявийлик, ахлоқида энг эзгу фазилатларни ўзлаштириш ва келгуси фаолиятида уларга амал қилиш қобилиятини шакллантириш ишлари амалга оширилади. Шу сабабли ҳар бир демократик жамиятда мафкуравий тарбияга маънавий, ахлоқий ва ижтимоий тарбиянинг туридан бири сифатида қаралади.

ХУЛОСА

Айни пайтда, янги мафкурамиз ғоялари ва тарбиявий асослари ёшлар онгига зўрлаб ёки мажбурий тарзда сингдирилмаслиги керак. Бу жараён

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00440

педагогик қонуниятлар, тамойиллар ва методларга асосан амалга оширилади. Шу жиҳатдан, бу ишларни олий педагогик таълим жараёнида тизимли йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 19 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектр йиғилиши материаллари. // “газета.uz”/
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Биринчи ёшлар форумида сўзлаган Нутқи.// www. Ziyonet.uz
3. Усмонов Н. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашнинг педагогик асослари. –Т., 2016.
4. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
5. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
6. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
7. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
8. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
9. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
10. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
11. Abdullayeva B.P., Abdullayev F. Organization Of Swimming Lessons In Preschool Institutions. The american journal of social science and education innovations. July 2020 pp.322-330. Volume 02, Issue 07-42

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00440

12. Умарова З.А. Бошланғич таълим дидактикаси. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 556-562.
13. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
14. Fariddun Izatulloyevich Ochilov, "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.